



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 242 (13.575)

Баҳоси эркин нарҳда

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани 4 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислам Каримов номидаги Тошкент халқро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди. Кисқа суҳбатдан сўнг Афғонистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 5 декабрь куни бўлиб ўтади.

Олий даражадаги учрашувларда Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш, халқро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, фан, таълим ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган қатор ҳукуматларро ва идораларро ҳужжатлар, шунингдек, тижорат шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

Афғонистон Президенти Ўзбекистонга ташрифи доирасида Бухоро шаҳрини ҳам зиёрат қилади.

ЎЗА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ АСОСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Конституция – ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларда Конституциянинг ўрни бекиёс эканлиги, Бош Қомусимиз асосида инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугун халқро миқёсда кенг эътироф этилаётгани таъкидланди.

Бош Қомусимизнинг қабул қилиниш тарихи, унга киритилган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Давра суҳбатида Президентимизнинг жорий йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ҳам Конституциямиздаги таъминларга мослиги ҳақида сўз юритилди.

Ҳужжатда ногиронларнинг яшаш муҳити имкониятлари, таълим олиши ва бандлигини таъминлаш, уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқарилиши бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Бу борадаги ислохотлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларига ҳам тўла мосдир.

Г.САТТОРОВА

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИР ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ УНГА ИШОНЧИ ОРТДИ

2017 йил 4 декабрь куни Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганига бир йил тўлди. Шу муносабат билан "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисида" мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди. Уни ўтказишдан мақсад аҳолининг давлатимиз раҳбарига бўлган ишонч даражасини аниқлаш, шунингдек, фуқароларнинг Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимиз ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга муносабатини ўрганишдан иборат бўлди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш жараёнида фуқароларимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аниқ босқич бошланди, дея фикр билдирган. Улар Президент раҳнамолигида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида қисқа муддат ичида туб ўзгаришлар рўй берди, деб ҳисоблайди.

Сўровда мамлакатимизнинг барча минтақаларида истиқомат қилаётган 18 ёш ва ундан катта бўлган аҳоли, жумладан, турли ижтимоий қатламларга мансуб, қўллаб соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги Стратегиясини илгари сурар экан, "Стратегия – бу янгилишни жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётга изчил жорий этилмоқда. 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустақамлашдан иборат. Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак", дея таъкидлаган эди.

Тадқиқот натижалари юрдошларимизнинг мутлақ аксарияти бугунги кунда ҳаётга муваффақиятли таътиб этилаётган Ҳаракатлар стратегиясини қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда. Респондентларнинг фикрича, мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб бериш, ҳар бир фуқаро ва бугун жамият манфаатларини таъминлаш имконини берувчи муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли давлатимиз раҳбари томонидан барча йўналишларда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини қўллаб-қувватламоқда.

Сўров иштирокчиларининг 90,9 фоизи Президентимиз сиёсати аҳолининг орзу-умидларини тўла рўёбга чиқараётганини билдирган. Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва 2017 йилда иқтисодий, ижтимоий соҳа, тиббиёт, илм-фан ва таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, sanoat, сўз-ҳуқуқ тизими, фермерлик ва тадбиркорликни модернизация қилиш, инвестициялар жалб қилиш бўйича эришилган натижалар юрдошларимиз ишончини мустақамламоқда.

Олинган маълумотларга кўра, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қонун устуворлигини мустақамлаш ва жиноятчиликни камайтириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар яратиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди, деб ҳисобламоқда. Сўров қатнашчилари ушбу йўналишда Президентимиз ташаббуси билан жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг долзарб муаммоларини тезкор ҳал этишга хизмат қилувчи очик мулоқот тизими – Халқ қабулхоналарининг жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаган.

Фуқароларнинг 90,7 фоизи давлатимиз раҳбари томонидан тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат таъминлашга асосланган муваффақиятли ҳамда самарали ташки сиёсат олиб борилаётгани, деган катий фикрда. Юрдошларимиз Президентимизнинг мамлакат манфаатларини халқро миқёсда ҳимоя қилиш, ҳорижий давлатлар билан ўзаро ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, қўшни давлатлар билан барча йўналишлардаги алоқаларни фаоллаштириш, яхши кўшнчилик, дўстлик, шериклик ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон имижини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишларни қўллаб-қувватламоқда.

Сўров иштирокчиларининг 88,6 фоизи мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, аҳоли, хусусан,

ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, жумладан, имтиёзли кредитлар ва солиқ преференциялари тақдим этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш ҳамда кенгайтириш ҳисобидан оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган, деб ҳисоблайди.

Фуқароларнинг аксарияти (90,9 фоизи) сўров давомида шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартариш, замонавий бинолар, турар жой мажмуалари бунёд этиш, шифохоналарни реконструкция қилиш, янги замонавий тиббиёт марказлари, мактабгача таълим муассасалари ва спорт иншоотлари, бизнес марказлари, замонавий автомагистраллар ва инфра-тузилма объектлари, кўприklar қуриш, тарихий-меъморчилик ёдгорликларини асраб-авайлаш ва таъмирлаш борасида эришилган салмоқли ютуқларни қайд этган.

85,2 фоиз респондент сўнгги йилларда мамлакатимизда самарали ижтимоий ҳимоя амалга оширилмоқда, фуқаролар яшаш шароитлари яхшиланмоқда ва бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, деган фикрда. Сўров давомида фуқаролар аҳолини арзон ўй-жойлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг юқори самарадорлигини таъкидлаган. Юрдошларимизнинг 86,3 фоизи ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини жорий қилиш, мактабгача таълимнинг янги тизимини ташкил қилиш, умумтаълим мактабларида 11 йиллик ўқитиш тизимини тиклаш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш таълим-тарбия жараёни самарадорлигини янада ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодни чуқур билимга эга баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда, деб ҳисобламоқда.

Шу билан бир қаторда, сўров иштирокчилари томонидан фуқаролар ҳаёт даражасини янада ошириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, мактабгача, ўрта ва олий таълим муассасалари фаолияти сифатини яхшилаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга эътиборни кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр билдирилган. Иқтисодий янада ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, соғлиқни сақлаш тизими муассасалари фаолияти сифати ва даражасини ошириш, тиббий сўғурта тизимини ривожлантириш, ёшларнинг долзарб масалаларини ҳал этиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашни кучайтириш хусусида ҳам сўз юритилган.

Жамоатчилик фикри сўрови аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга бўлган юксак ишончи ҳамда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ҳаётга изчил таътиб этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини кўрсатди.

Олинган натижалар юрдошларимизнинг аксарияти Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон фуқаролари орзу-умидларини тўла рўёбга чиқараётганига ва аҳолининг мутлақ қўллаб-қувватлашига эга раҳбар эканига катий ишонди. Мониторинг Президентимизга ишонч даражаси 2017 йил июль ойидаги 92,4 фоиздан жорий йилнинг октябрь ойида 93,1 фоизга ошганини кўрсатган.

Сўров иштирокчиларининг фикрича, 2017 йил Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, замонавий ҳавф ва таҳдидларга муносиб жавоб кайтариш, мамлакат, жамият ва ҳар бир инсон манфаатларини таъминлаш имконини берган салмоқли иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалга оширилган.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида
ЎЗА муҳбири
Аблай КАМОЛОВ тайёрлади

бола учун индивидуал комплекс иш харитаси тузилиши ва махсус машғулотлар тренинг, ўйин, давловчи жисмоний тарбия машқларини ўзида жамлаган коррекцион реабилитацион хизматлар ёрдамида олиб борилаётгани яхши самара бераётгани қайд этилди. Бу ерда болаларнинг соғломлаштирилиши, маънавий-ахлоқий ривожланишига эришиш, жисмоний имкониятлари чекланганлиги сабабли эътибор марказидан четда қолмаслиги, ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилишларига алоҳида эътибор қаратилади.

Давра суҳбатида имконияти чекланган шахслар учун қулай муҳитни яратиш соҳасида халқро тажрибани оммалаштириш, ижтимоий ишчилар, тиббиёт ва психологик-педагогик кадрларнинг касб компетентлигини ошириш юзасидан ва бошқа масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кун

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон Конституциясига 25 йил" эсдалик нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Жиззах вилоятининг Фориш туманида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – демократик жамият куришнинг ҳуқуқий пойдевори" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Термизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманлар кенгашларига Ўзбекистон Республикаси Президентини совғаси – хизмат автомашиналарини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Термиз шаҳар ва 13 туман кенгашига Президент совғаси – хизмат автомашиналарининг қалити топширилди.

● Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент вилояти кардиология диспансерининг қайта таъмирланган янги биноси фойдаланишга топширилди. "STANIUM Plus" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 2,3 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган 3 қаватли вилоят кардиология диспансерига беморларни қабул қилиш, лаборатория, 90 ўринли стационар даволаш хоналари, дорихона, физиотерапия, рентгенография бўлимлари замонавий жиҳозланган.

ЖАҲОНДА

● Хитойда 4,5 километр чуқурликда ҳаракатлана оладиган "Сувошти жангчиси" номли батискафнинг имкониятлари намойиш этилди. Уни тайёрлаш учун 94 та ташкилот ва муассасалар жалб этилиб, саккиз йил вақт кетди. Ушбу ноёб сувошти кемаси дунё океанини тадқиқ қилишда жуда асқотади.

● Индонезиянинг Агунг вулкони отилаётган Бали оролида кеча аҳоли табиатда жуда кам учрайдиган воқеанинг гувоҳи бўлди – бу ерда супер тўлин ойнинг чиқishi кузатилди. Таъкидлаш керакки, супер тўлин ой оддий ойдан 30 марта ёрқинроқ бўлиб, кўзга 14 марта каттароқ тарзда кўринади.

● Испания полицияси мамлакат тарихида героин гиёҳвандлик моддасининг энг йирик туркумини қўлга кайтариб, йўқ қилишга муваффақ бўлди. Гап шундаки, 331 килограммлик кучли таъсир этувчи гиёҳванд модда Барселона портида Туркиядан келган қурилиш материаллари – цемент қоплари ичидан топилди. Махсус операция чоғида қўлга олинган тўрт нафар гиёҳвандфурушларнинг хонадонидан ҳам ўқотар қуроллар ва гиёҳвандлик моддалари топилган.

БАФРИКЕНГ ЖАМИЯТ САРИ

Республика болалар ижтимоий мослашув марказида Халқро ногиронлар кун муносабати билан "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан "Бафрикенг жамият сари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази директори В.Алимова, "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори Р.Мустаев, Исроилнинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Э.Шапира ва бошқалар Ўзбекистонда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларга ҳар томонлама кўмаклаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.


2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шу ишлар қўлами-

ни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Ушбу ҳужжатлар ихросини таъминлаш юзасидан ўтказилган мазкур тадбир имконияти чекланган болаларни жамиятга тўлиқ ва самарали жалб қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, ногиронлик муаммоларини ўрганувчи педагоглар, психологлар, шифокорлар, дефектологлар ва ота-оналарнинг ижтимоий шерикчилигини мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Республика болалар ижтимоий мослашув марказида боланинг руҳий-жисмоний ҳусусиятлари ўрганилиб, ҳар бир

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги олдида



Хуқуқ – нимаю эркинлик – нима? Бурч-чи? Бу тушунчаларни нима бир-бирига чамбарчас боғлаб туради? Фуқаронинг Конституцияда белгиланган бурчлари неча ёки уларга айнан нималар киради? Инсоннинг Конституцияда махсус қайд этилмаган бурчлари ҳам борми? Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хорижлик фуқароларга ҳам бурч юклайдими? Бу саволлар аниқ-тиниқ жавоблар кутади.

Хуқуқ, эркинлик ва бурч бирлиги

"Бурч" бошқа тилдан ўтган эмас, балки ўзбек-она сўзларимиздан ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожибнинг XI асрда яратилган "Қутадғу билиг" дostonида аксар мавҳум отлар, жумладан, давлат ва жамият бошқаруви билан боғлиқ кўплаб ижтимоий-сиёсий тушунчалар соф туркий атамалар билан ифодаланганини кўрамиз. Агар қай бир тадқиқотчи айнан ана шу асарлардаги мавҳум отларнинг синчиқлаб ўрганишга бағишланган тадқиқот яратса, талай конституциявий тушунчаларнинг ўша давр туркий тафаккурида ҳам мавжуд бўлгани ойдинлашади-қолади. Чунки давлат ва жамият бошқаруви борасида туркий халқлар дунёдаги жуда бой тажриба ва тарихга эга эллар орасида олдинги сафлардан жой олиши – аниқ.

Тилимиз шу қадар бойки, у "бурч" сўзини ишлатмай туриб ҳам бу тушунчани аниқлашдан воқифларга эга. "Вазифа" сўзи ҳам шу маънога яқин келади, "ҳам қарз, ҳам фарз" ибораси эса айнан "бурч" маъносини акс эттиради. Бир ҳуқуқшунос биродаримиз билан суҳбат асосида гап айланиб, ана шу бурч тушунчасига тақалди. – Бурч – тушунарли, Конституцияда белгилаб берилган олти бурчни ким билмайди? – деди у киши. Эҳтимол, бу суҳбатдошимизнинг расман шундай дейишга ҳаққи бордир. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби айнан "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланади. Унда, чиндан ҳам, фуқароларнинг, жумладан, олти бурчи қайд этилган. Биринчидан, бурч – жуда кенг тушунча ва уни фақат фуқароларнинг Конституцияда белгиланган бурчлари билангина чеклаб қўйиб бўлмайди.

Иккинчидан, худди шу олти бурчнинг биринчиси фуқаро зиммасига "Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажариш" вазифини юклайди. Фуқаронинг Конституцияда белгилаб қўйилган бурчлари эса фақат ана шу XI бобдаги олти бурчдангина иборат эмас. Келинг, яхшиси, аввал шу махсус бобдаги қолган беш бурчни эслатиб ўтайлик: 48-моддага биноан, фуқаролар – Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

хисобга олган ҳолда ифодаланади. Масалан, "Оила кодекси"нинг 110-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли шахс ихтиёрий равишда кексайиб қолган ота-онасига моддий ёрдам кўрсатадиган, суд орқали муҳожаат қилинганда, ундан ота-она учун алимент ундирилиши мумкин. Конституцияда барча бурчларни ифодалаш иложи йўқлигининг бир исботи шуки, бутун маънавиятимиз, муқаддас динимиз, адабиётимиз, миллий ахлоқимиз бу масала билан азал-азалдан шугулланиб келади. Бу борада халқимизда жуда бой мерос тўпланган. Биргина қўшнингнинг бурчи билан боғлиқ ҳадисларнинг ўзи қанчадан-қанча. Барчамиз бу аёнана ва қадриятларга қўлимиздан келгани қадар амал қилиш ҳаракатида бўламиз. Миллий маънавий мерос сифатида авлодларга ўтишни ўйлаймиз. Ҳатто, биздан ён атрофимизда бирга яшаётган кўплаб миллат ва элатлар ҳам уларнинг асосийларига амал қилишга ўтган. Конституцияимизда фуқароларнинг бурчлари билан боғлиқ жиҳатларни бўриб ўтдик. Лекин Асосий Қонунимизда фуқаролар бурчларидан ташқари қуйидаги бурчлар ҳам берилган: – халқ бурчи; – давлат бурчи; – давлат органлари бурчи; – мансабдор шахслар бурчи; – Ўзбекистон Республикасида яшаб турган хорижий давлатлар фуқаролари бурчи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", – деб ёзиб қўйилган экан, давлат – халқнинг фикрини эшитишга, қатъий инobatта олишга, яъни ўз фаолиятини фуқароларнинг талаби асосида йўлга қўйишга мажбур. Шу модданинг кейинги банди: "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", – дея ўқтиради. Шунингдек, 3-, 13-, 14-, 22-, 40-, 41-, 70- ва бошқа

Инсон ҳуқуқлари гоёси қонун чиқарувчи органлар фаолиятида ҳам асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунлар, ҳаракат соҳасидаги қатъий ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", 1966 йилги Халқаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда қайд этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг барча принциплар қондаларига амал қилинмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштирилди. Республикаимизда қонун яратиш фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий принципларидан бири халқаро ҳуқуқ меъёрларининг ички қонун ҳужжатларидан устун эканлигидир. Бу ҳол қонун ҳужжатларини халқаро меъёрлар ва принципларга мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги таъминланган, халқаро микёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Бу эса инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, турли мулк шакллари асосланган тузилмалари билан турли-туман муносабатларини йўлга қўйишда яққол намоён бўлмоқда. Хуллас, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истикомат қилаётган Ўзбекистонимизда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар яратилган. Бу – мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳужм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш муқаддас ҳуқуқи таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир.

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Давлат ва халқ

Фуқаро, халқ, мансабдор шахс, давлат... бурчи. Фуқаролар ва давлат бурчлари бир-бирини инкор этмайди. Бир-бирига зид келмайди ҳам. Аксинча, бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисини тўлдирди. Бу Конституциянинг 19-моддасида ниҳоятда демократик асосда қайд этилган: "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар".

моддаларда давлатнинг турли бурчлари белгилаб қўйилган. Мантиқан олганда, давлат ниманики кафолатласа, бу унинг бурчи ҳисобланади. 40-модда, бир қарашда, соддагина жумладан таркиб топган: "Хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга". Бу ердаги "малакали" сўзида гап – кўп. Давлат шунки кафолатлашяптики, агар бирор киши бетоб бўлиб қолса, уни, албатта, малакали тиббиёт ходимлари даволайди. Маъбодо, малакаси йўқ киши даволаса, қонун олдида жавоб беради. 41-моддада уч позиция илгари сурилган: "Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир". Конституциянинг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги қайд этилган. 41-моддада "хар ким" дейилди, барча фуқаролар кўзда тутилди, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ билим олиш ҳуқуқига даҳл қила олмайди. Бизда умумий таълим – бепул. Мактаб ишларининг давлат назоратида экани эса, биринчидан, умумий таълим муассасаларини давлат қуради, таъмирлайди, жиҳозлайди, иккинчидан, ҳеч ким етти ёшга тўлган боласини мактабга юбормаслик ҳуқуқига эга эмас. Ҳатто, ақдан етук, аммо жисмонан ногирон бўлган болалар учун у яшаб турган худуддаги умумий таълим мактаби ўқитувчиларни юбориб, унинг уйда бир ўзига ўқиб ташкил этади. Давлатнинг мамлакат худудида яшаётган хорижлик фуқаролар олдида ҳам бурчи бор. Шунингдек, бизда яшаётган хорижликлар зиммасига ҳам муайян бурчлар юкланади. Бинобарин, Конституцияимизнинг 23-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: "Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларини адо этадилар".

Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, 1948 йили 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"га, маъмур йўналишдаги етакчи халқаро институтларнинг бошқа асосий ҳужжатларига қўшилди. Ўзбекистон Республикаси БМТ доирасида 70 га яқин халқаро ҳужжатга, шу жумладан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966, 16 декабрь), Аёллар барча ҳуқуқлари камситилишининг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция (1979 йил, 18 сентябрь), Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1952 йил, 20 декабрь), Меҳнат ва фаолият соҳасида камситилишининг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция (1958 йил, 25 июнь), Таълим соҳасида камситилишининг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция (1960 йил, 14 декабрь), Дин ва эътиқод асосида камситилишининг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция (1985 йил, 25 ноябрь), Ирқ ва ирқий келиб чиқиш асосида камситилишининг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция (1978 йил, 27 ноябрь) ва бир қатор бошқа конвенцияларга қўшилди.

Инсон ҳуқуқлари гоёси қонун чиқарувчи органлар фаолиятида ҳам асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунлар, ҳаракат соҳасидаги қатъий ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада 1948 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", 1966 йилги Халқаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда қайд этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг барча принциплар қондаларига амал қилинмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштирилди. Республикаимизда қонун яратиш фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий принципларидан бири халқаро ҳуқуқ меъёрларининг ички қонун ҳужжатларидан устун эканлигидир. Бу ҳол қонун ҳужжатларини халқаро меъёрлар ва принципларга мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги таъминланган, халқаро микёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Бу эса инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, турли мулк шакллари асосланган тузилмалари билан турли-туман муносабатларини йўлга қўйишда яққол намоён бўлмоқда. Хуллас, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истикомат қилаётган Ўзбекистонимизда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар яратилган. Бу – мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳужм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш муқаддас ҳуқуқи таъминланганлигининг ёрқин ифодасидир.

Миннатдорлик МЕҲРДАН КЎНГИЛ ЧАРОҒОН

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида эҳтиёжманд оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари кўлами янада кенгайиб бормоқда. Фуқаролардан таҳририятга келаятган миннатдорлик мактублари фикримиз далилидир.


– Давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги, атрофдаги инсонларнинг меҳр-оқибати кўнглимизни тоғдек кўтариб, ҳаётдан рози бўлиб, шукроналик билан яшашга ундамоқда, – деб ёзмоқда Юнусобод тумани, Ҳ.Эргашев кўчаси, 81-уйда истикомат қилувчи Муроджон Абдуллаев. – Яқинда кучли шамол ва ёмғир ёғиши оқибатида уйимизда ёнғин содир бўлди. "Олов – тилсиз ёв" деб бежизга айтишмас экан. Бирдан содир бўлган ушбу фалокат бизни шошириб қўйди. Ут ўчирувчилар барака топишсин. Ёнғинни тезда бартараф этишди. Лекин унинг асорати бизни катта ташвишга қўйди. Уйимизнинг болаҳона, том қисми бутунлай очиб ташланган, ёнғин-очинили қўнлар яқин, энди нима бўлади деган хавотир бизни Фирдавсий маҳалласи оқсоқоли ва Юнусобод тумани ҳокимлигига етаклади. Чунки уйимизни тузатиб олишга моддий имконимиз йўқ эди. Қилган муҳожаатимиз беэтибор қолмади. Тез фурсат ичда туман ҳокимлиги, Фирдавсий маҳалласи, Мирзо-Юсуф номли жомеъ масжиди, СамДУ кафеси ва кўчи-қўшнилари кўмаги билан уйимизнинг томи ёпилди. Мен уларнинг учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Дунёда яхшилик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, одамийликдек фазилатлар борлигига, инсон қадри улугланган юртда яшаётганимизга минг бора шукроналар айтаман. Булар албатта давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат, Президентимиз томонидан айтилган: "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ҳаётбахш сўзларнинг амалдаги ифодаси деб ўйлайман. Президентимизга, дунёдаги хайрли ишлар бошида турган барча инсонларга соғлиқ-саломатлик, куч-қувват, халқимизга хизмат қилишдан асло чарчамасликни тилаб қоламан. (Ўз мухбиримиз)

МАФҚУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРДАН ОҒОҲ БЎЛАЙЛИК

Шайхонтоҳур туманидаги Шайх Зайниддин номли жомеъ масжидида "Мафқуравий таҳдидлардан асрашда: ҳамкорлик, очиқлик ва оғоҳлик" шиори остида дин уламолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри ва Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шайхонтоҳур туман Кенгаши, "Нуроний" жамғармасидан вакиллар ҳамда ёт фоярларга алдиниб қолган, аммо пушаймонлиги учун авф этилган бир гуруҳ фуқаролар иштирок этди. Кенчиримлиқ, ёшларга ва адашганларга тўғри йўл кўрсатиш, билиб-билмай хато қилганларни кечириб, уларни тўғри йўлга бошлаш халқимизга ҳос бўлган бағрикенглигининг юксак ифодасидир. Бугун бу миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Мамлакатимизда адашиб жиноят қўчасига ёки диний экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолган, аммо қилмишдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб, уларни тўғри яшашга ўргатиш, жамиятга мослаштириш, фаровон ҳаёт кечиртиришга кўмаклашишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ҳам ҳар бир кишида халқимизни рози қилиш, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, оилалардаги муҳитни соғломлаштириш, адашганларни тўғри йўлга бошлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш кераклигини алоҳида таъкидламоқдалар. Утган олти ой давомида Тошкент шаҳрида 2273 нафар, Шайхонтоҳур тумани бўйича эса 648 нафар адашиб, ёт фоярлар тасирига тушиб қолган фуқароларга эмин-эркин ҳаёт кечиртириш учун имконият яратилди. Жорий йилнинг июнь-июль ойларида Шайхонтоҳур туманидаги бир гуруҳ ана шундай фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг муаммолари ва дарду ташвишлари ўрганилди. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича қатор ишлар олиб борилди. Жумладан, 118 нафар шахс амбулатор ва стационар шaroитда соғломлаштирилди, 352 нафар ёшлар тўғаракларга жалб этилди, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган 12 нафар шахсга кредит олишда кўмаклашилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Учта оиланинг уй-жой шaroитини яхшилаш учун Сергели туманида қурилган кўп қаватли уйлардан олишга тавсия берилди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаётни қуриш, ички ва ташқи кучларнинг таъсирларидан эҳтиёт ва оғоҳ бўлиш, юртимиздаги тинчлик ва осийшталикнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш лозимлиги, ватанимиз ва ўсиб келаятган авлоднинг келажagini уйлаб фақат эзгу мақсадлар сари интилиш кераклигини айтиб ўтдилар. Абдували СОДИКОВ

Олим МАХМУДОВ



Футбол янгиликлари

ҲАКАМЛАР УЧУН ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИ

ФИФА ташаббуси билан БААнинг Абу-Дабиде шаҳрида футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштирилган жаҳон чемпионатига сараланган 36 нафар ФИФА рефериси иштирокида ўқув-машғулот йиғини бўлиб ўтди.

Этиборли жиҳати шундаки, ушбу ўқув-машғулот йиғинида Осиёнинг беш қарра энг яхши ҳаками, 2010, 2014 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатлари иштирокчиси Равшан Эрматов ҳам қатнашди.

Шунингдек, БААнинг Дубай шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси томонидан ташкиллаштирилган семинарда иштирок этган ҳамюртларимиз – Азиз Асимов, Шерзод Қосимов, Хуснид-

дин Шодмонов, Руслан Серазетдинов, Темур Гайнуллин, Андрей Цапенко, Алишер Усмонов, Эдита Миробидова, Анна Сидорова, Зилола Раҳматова, Кристина Серреда аттестациядан ўтишди. Реферилар жисмоний тайёргарлик бўйича тест синовлари топшириб, футбол ўйини қоидалари бўйича назарий имтиҳон ва видеоматериаллар асосида тайёрланган тест саволларига жавоб қайтаришди.

ФУТБОЛЧИ ХОТИРАСИ ЁДГА ОЛИНДИ

1994 йили Хиросимада уюштирилган Осиё ўйинларида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг зафар кучишига муносиб ҳисса қўшган "Пахтакор" клуби ҳимоячиси, миллий терма жамоамизнинг моҳир футболчиларидан бири Улуғбек Рўзимов хотирасига бағишланган тадбир мухлислари мутахассислар қалбида узоқ сақланади.

"Пахтакор" футбол клуби ташаббуси билан уюштирилган тадбир доирасида клуб мураббийлари, мутахассислар иштирок этишди. "Пахтакор" жамоаси ҳамда Ўзбекистон терма

жамоаси фахрийлари ўртасида учрашув ташкил этилди. Албатта, бу каби тадбирлар ёш футболчилар қалбида миллионлар ўйинига янада меҳр уйғотиши шубҳасиз.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайтида берилган хабарга кўра, миллий терма жамоамиз бошқаруви хорижлик мутахассисга топширилади.

Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти миллий терма жамоамизга бош мураббийлик қиладиган бир неча тажрибали мутахассислар билан музокара олиб бормоқда.

Шуниси эътиборлики, номзодлар рўйхати анча катта. Яъни номзодлар орасида Россия, Польша, Хитой, БАА чемпионатларида ишлаган руминиялик Дан

Петреску, Франция, Сербия, Украина, Россия чемпионатларидаги кўплаб клублари бошқарган сербиялик Славолуб Муслин, "Пахтакор" ҳамда Москванинг "Динамо" клубларидаги фаолияти билан мухлисларга яхши таниш бўлган Миодраг Радуловић, италиялик Анджело Алессандро, германиялик Бернц Шторк, хорватиялик Бранко Иванкович, Сла-

вен Билич, Вальтер Маццари, голландиялик Берт ван Марвейклар бор.

Умид қиламизки, миллий терма жамоамиз тажрибали хорижлик мутахассис раҳбарлигида қайта шакллантирилади ва албатта, халқро араналарда ажойиб галабаларга эришиб, барча мухлисларни хушнуд этади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли Қарорига асосан Тошкент шаҳридаги аввал хусусийлаштирилган қурилиш тугалланмаган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига киритилган объектлар

РҮЙҲАТИ

№	Объект номи	Жойланган манзили (туман, кўча, уй рақамлари)	Бўш турган ер майдони (кв.м)	Шундан бино ва иншоот майдони (кв.м)	Ҳозирги кунда мулк эгаси
Олмазор тумани					
1	ишлаб чиқариш	Бешқўрғон-2/1, 10-уй олдиди	0	240	"Бегзод нон" ХК
2	маъмурий, ишлаб чиқариш	Корақамш 2/4 даҳаси, 3-уй (Юнусова)	0	240	"ENIGMA INVEST" МЧЖ
3	маъмурий, ишлаб чиқариш	Ўрабасев кўчаси, 2-уй	0	240	Кадилов Р.Ф.
4	собик мактабгача таълим муассасаси	Корақамш мавзеси, 1/4	10948	240	"С.У.СОРПОРАТОН" МЧЖ
5	ишлаб чиқариш	Уста Ширин кўчаси, 136-уй	2000	240	"Elite Rent Service" МЧЖ
6	ишлаб чиқариш	Уста Ширин кўчаси, 100-уй	0	240	"Eko texproyekt engineering" МЧЖ
7	савдо мажмуаси	Олтинсой кўчаси	9655	240	"UNIMAX" МЧЖ
8	ишлаб чиқариш	Қорасарой кўчаси, 315	10000	240	"FARM IMPEKS" МЧЖ
9	маъмурий, ишлаб чиқариш	Уста Ширин кўчаси, 116-уй	25298	240	"KOMPRESSOR AZIA" МЧЖ
10	ишлаб чиқариш	Байроқтол кўчаси, 15-уй	10000	240	"MTEGRA" МЧЖ
11	4 қаватли маъмурий бино	Байроқтол кўчаси, 15-уй	2587,8	240	"Woman San" МЧЖ
12	ишлаб чиқариш	Ғалаба кўчаси, 1-уй	0	240	"EURASIA ALLIANCE TEX" МЧЖ
13	ишлаб чиқариш	Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уй	15844	240	"AFZUN NUR BUSINESS" МЧЖ
14	ишлаб чиқариш	Уста Ширин 1-берк кўчаси, 84-уй	0	240	"Тошкент шаҳар дорин-дармон" АЖ
15	ишлаб чиқариш	Чангалзор-Мавзук кўчаси, 4А-уй	10274	240	"Тошкент труба заводи" АЖ
16	ишлаб чиқариш	С.Рахимов кўчаси, 341-уй	987	240	Абдуллаева Айна
17	қурилиш тугалланмаган бино	Қорасарой кўчаси, 334-уй	11512	240	"XIMREAKTIVINVEST" МЧЖ
18	қурилиш тугалланмаган бино	Кичик халқа йўли кўчаси, 5а-уй	20702	240	"Jako Industrial Group" МЧЖ ҚК
19	қурилиш тугалланмаган бино	Сағбон 30-берк кўчаси, 79а-уй	21042	240	"SILK ROAD CERAMIC" МЧЖ ҚК
20	қурилиш тугалланмаган бино	Кичик халқа йўли ва Шимолий Олмазор кўчалари кесипуви	38381	240	Назарова М.Н
21	кўп қаватли бинонинг 2 ва 3 қаватлари қисми	Беруний кўчаси, 371-уй	0	240	"MEDICAL INVESTMENT GROUP" МЧЖ ҚК
		Жами	189230,8	5040	

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими қурилиш ишларида техник назоратни амалга ошириш ва иситиш тизими учун электрон счётчикарни давлат қиёсловидан ўтказиш ҳамда гербли муҳр ва штамплар ясатиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 253-54-02, 253-53-41.

"STRONG ROOF" МЧЖ (ИНН 303308672) уст-тав фондининг 35 800 000 сўмдан 8 655 115,66 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилди.

Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қийдаги телефон рақами орқали қабул қилинади: + 99890 906-24-00

Яккасарой тумани Мактабгача таълим бўлимига компьютер ва принтер тўпламларини харид қилишга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Умумий қиймати 66 000 000 сўм
Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: (90) 370-32-78

Яккасарой тумани Мактабгача таълим бўлими мебель тўпламлари харид қилишга ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Умумий қиймати 25 000 000 сўм
Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: (90) 370-32-78

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 04.04.2017 йилда № 01-141 буйруғи билан Исаккулов Шербек Норкулович номига берилган сертификат серия ОМ № 000579 рақами "Ньюман университети" АҚШ давлатининг магистр дипломини тасдиқловчи нострификация гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЁШЛАР — ЭРТАМИЗ ЭҒАЛАРИ

Маълумки, бугунги кунда жамиятимизда соғлом маънавий муҳитни юзага келтириш, ёш авлод қалбида Ватан туйғусини шакллантириш, уларнинг юртва дахлдорлик ҳиссини ошириш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалар сирасига киради.

Афсуски, дунёдаги айрим кўпуровчилик, жаҳолат ўчоқларидаги ёвузликларни амалга ошираётган кимсалар миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш ислом динидан ниқоб сифатида фойдаланишмоқда.

Бу эса ёшлар орасида диний қарашлар ва ислом динининг нотўғри тарғиб қилинишига сабаб бўлмоқда. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Мирзо Улуғбек транспорт касб-хунар коллежида Тошкент шаҳар прокуратураси прокурор ёрдამчиси О.Раимов, Мирзо Улуғбек туман Олтинтепа жомеъ масжиди имом-хатиби Ш.Юсупов иштирокида "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Йиғилишни очиб берган коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Н.Маматаева ўз сўзида бугун дунёда кечаётган жараёнлар, замон шиддат билан ўзгариб бораётганлиги, ҳаммаша оғоҳ ва хушёр бўлиш кераклиги тўғрисида гапириб ўтди.

Кўплаб халқлар ёстигининг қуришига сабаб бўлаётган, давлатлар тинчлиги-ю осойишталигига путур етказаятганлар аслида, жаҳолат эгаларидир ва улар бутун дунёга ҳам жаҳолат уруғини сеппини мақсад қилиб олганлар. Бу борада уларга катта ёрдამ бераётган бирдан-бир омил эса диний қарашлардир. Бундай қарашлар дунёдаги миллионлаб инсонлар орасида совуқ муносабатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

– Бугунги кун биздан оғоҳликни талаб қилмоқда. Дунёда муаммолар бор экан, албатта, уларнинг ечими ҳам бор, – дейди Мирзо Улуғбек туман Олтинтепа жомеъ масжиди имом-хатиби Ш.Юсупов. – Агар ечими бўлмаса, у холда муаммо ҳам бўлмас эди. Мирзо тез-тез кўзга ташланиб тураётган Ватанга хоинлик, миллатига қарши ҳаракатларнинг олдини олиш чоралари юрагида шу юртва нисбатан муҳаббат ҳисси бўлган ҳар қандай кишини ўйлантирмасдан қолмайди. Бугунги йиғилишнинг бош мавзуси бўлган дин ниқоби остида дунёда ёвузлик уруғини сочиб миллионлаб беғунох инсонларнинг умрига зомин бўлаётган жаҳолатпарастлар ва уларнинг олиб бораётган таҳдидли ташвиқотлари сиз ёшлардан оғоҳлик, нафақат оғоҳлик балки, уларга қарши бирлашишни талаб этади. Бу жаҳолатли дунёга қарши қолаётган ёшларга беварқ бўлмаслик, улар каторига тушиб қолмаслик учун мамлакатимизда уларга яратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозим. Айниқса, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар қўлами шу қадар кенги, буни бутун дунё эътироф этмоқда. Бу соҳада дунёда энг олдинги ўринларда тураимиз. Ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун турли хил спорт тўғараклари фаолият олиб бормоқда. Таълим масканларининг энг сўнгги моделда жиҳозланиши, иқтидорли ёшларнинг давлат томонидан тақдирланиши – барчасида эртанги эгалари ҳисобланган ёшлар тарбияси масаласи этади. Мақсад уларда эътиқодни кучайтириш, мафкура-сини мустаҳкамлаш, юрт фидойиси қилиб тарбиялашдир. Юксак билим ва салоҳиятга эга бўлган иродаси мустаҳкам, маънавиятли шахсни ҳеч қандай мафкура билан ҳам йўлдан уриб бўлмайди. Шу боис бундай тезкор замонда тинчликни сақлаш учун ҳам гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ давр талабига айланмоғи лозим.

Суҳбат давомида ўқувчи-ёшларнинг дин ва диний қарашлар юзасидан фикр-мулоҳазалари эшитилди ва уларнинг баъзиларига маърузачилар томонидан ойдинлик киритиб ўтилди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳаёт гўзал! Фақат унга чиroyли нигоҳ билан боқишнинг ўзи кифоя! Бироқ бугун дунёда мана шу гўзалликни ҳис қила олмай, ўзини қабиҳлик, разолат уммони ҳисобланган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби ботқоқликка ботираётган "инсонлар" сафи кўпаймоқда. Улар асли диний экстремизм нималигининг моҳиятига тушунмай бундай тўдалар сафига қўшилиб бормоқдалар. Бу каби тўдаларнинг мақсад-муддаоларини тушунганлариде эса ёшт қолиддан кўчган бўлади.

Наргиза УБАЙДУЛЛАЕВА, Мирзо Улуғбек транспорт касб-хунар коллежи тарих ўқитувчиси

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

рат кечаси — 5-7 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 6 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шартини шохар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.